

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТИЛЛАЕВ ХУРШИДЖОН СУЛАЙМОН ЎГЛИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР**  
**БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата дессертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Тиллаев Хуршиджон Сулаймон ўғли**

Тижорат банкларининг қимматли коғозлар бозоридаги фаолиятини  
ривожлантириш..... 3

**Тиллаев Хуршиджон Сулаймон угли**

Развитие деятельности коммерческих банков на рынке ценных  
бумаг..... 27

**Tillaev Khurshidjon Sulaymon ugli**

Development of the activities of commercial banks in the securities  
market..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТИЛЛАЕВ ХУРШИДЖОН СУЛАЙМОН ЎГЛИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР**  
**БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PHD/Iqt501 рақам билан рўйхатга олиingan.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ортиков Уйғун Давлатович  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сагтаров Одилжон Бердимуратович  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «30» 12 куни соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (167 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил «18» 12 даги 59 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаяев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор

И.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт  
билим фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро банк амалиётида тижорат банклари қимматли қогозлар бозорида нафақат инвестицион ва эмиссион операцияларни амалга оширувчи молиявий муассаса, балки ушбу бозорга инвесторларнинг, айниқса аҳолининг молиявий маблағларини жалб қилувчи ва уларни қайта жойлаштирувчи “молиявий канал” ҳисобланади. “Замонавий шароитда қимматли қогозлар бозори энг юқори даражада ривожланган савдо майдончалари бўлиб, унда ҳар куни мингдан ортиқ компаниялар иштирок этади, жисмоний шахслар иқтисодий фойда олиш учун ўз маблағларини ушбу бозорга инвестиция қилади<sup>1</sup>.” Демак, ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур масала нафақат маҳаллий амалиётда, балки халқаро амалиётда ҳам долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон фонд биржалари федерацияси, Марказий банклар – мегарегуляторлар, тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солувчи тузилмалари томонидан эмитент ва инвесторлар ўртасида рақобат, ишонч, молиявий барқарорлик ва шаффоф иштирок этиш имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотларда банкларнинг қимматли қогозлар бозоридаги операциялари билан боғлиқ рискларни камайтириш, ликвидлиқни тартибга солишни такомиллаштиришга доир қоида ва тартиблар яратилган. Бироқ, қимматли қогозлар бозорида баҳоларнинг кескин тебраниши, инвесторларнинг ишончини пасайиши ва риск даражасини ошиши, тижорат банкларининг қимматли қогозларга қилинган инвестициялари ликвидлиги ва даромадлиги ўртасидаги уйғунлиқни таъминлаш каби масалалар ўзининг илмий ечимини топмаган. Хусусан, ликвид маблағлар тақчиллиги, иқтисодий-молиявий вазиятнинг издан чиқиши ва банкларнинг банкротлиги каби масалалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда “молия бозорларини ва тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини барқарорлаштириш, қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситаларини жорий қилинишдаги ролини кучайтириш”<sup>2</sup>, “банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида давлат улуши мавжуд тижорат банклари комплекс трансформация қилиш орқали банклар ўртасида табиий рақобатни чуқурлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш”<sup>3</sup>, шу билан бирга “хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён

<sup>1</sup> <https://opentextbc.ca/businessopenstax/chapter/securities-markets/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони (<https://lex.uz/docs/3107036>)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони (<https://lex.uz/docs/4811025>)

этиш»<sup>4</sup> каби устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда тижорат банкларининг қимматли коғозлар бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ушбу бозордаги иштирокини янада ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2012 йил 19 мартдаги ПҚ-1727-сон “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Банкларнинг қимматли коғозлар бозоридаги фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар Дж.Синки, П.Роуз, Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк, Э.Дж.Долан, В.Ю.Цибулькинова, Н.И.Берзона, У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бэйли, О.Лаврушин, Б.Рубцов, А.Килячков, Л.Чалдаева, Г.Белоглазова, Л.Кроливецкая<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин. Юқорида исми шарифлари келтирилган иқтисодчи олимлар ва мутахассислар фонд биржалари, банкларнинг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. (<https://president.uz/uz/lists/view/2228>)

<sup>5</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг, пер. с англ. - М.: Алтана Бизнес букс, 2007. -1018 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело-ЛТД. 1995.-743 с., Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. – М.: Издательство “Дело”, 1997.- С.41-44., Долан Э.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер.с англ. М: Кемпбелл, 1996. -448 с.; Рынок ценных бумаг: учебное пособие/ Цибулькинова В.Ю. –Томск: ФДО, ТУСУР, 2016. – 167 с., Рынок ценных бумаг: учебник для академического бакалавриата / под общ. ред. Берзона Н.И. – 4-е изд., пераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 443 с., Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиция. –пер. С англ. –М.: ИНФРА, 1999. –XII, 2018с.; Лаврушин О.И. Основы банковского дела: учебное пособие/коллектив авторов.4-е издание. –М.: Кнорус, 2018. –386с.; Рубцов Б.Б. Современные фондовые рынки. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. -4423.; Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. –М.: Юристъ, 2005. -687 с.; Банковское дело. Учебник для вузов.2-е изд. /Под ред. Г.Белоглазовой, Л.Кроливецкой. –СПб.: Питер, 2008. -400.

қимматли қогозлар бозоридаги фаолияти масалаларига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги операцияларини ташкил этиш, баҳолаш, тартибга солиш ва назорат қилиш масалаларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.З.Абдуллаева, Т.М.Қоралиев, О.Б.Саттаров, А.А.Омонов, У.Д.Ортиқов, И.Л.Бутиқов, В.А.Котов, Ш.Ж.Тешаев, М.Б.Хамидулин, Ш.Ш.Шоҳаъзамий, Ф.Т.Мухамедов, А.Ж.Хўжамуродов, Х.Акрамов, Э.И.Носиров, Ф.М.Юлдошев, Ж.И.Каримкулов<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳамда асарларида қимматли қогозлар бозори ва тижорат банкларининг ушбу бозордаги фаолияти каби масалалар атрофида тадқиқ қилинган.

Юқорида номлари келтирилган ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банклари кредит ва ликвидлилик рисклари (Абдуллаева Ш.), тижорат банклари баланс ҳисоботлари ва ликвидлигини таҳлили (Қоралиев Т., Саттаров О.), молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқариш (Омонов А.), қимматли қогозларнинг турлари, қимматли қогозлар бозори фаолияти ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари (Бутиқов И.), қимматли қогозлар савдо тизимлари (Мухамедов Ф.) кабилар ўрганилган ҳамда шу масалада иқтисодий асарлар, қўлланмалар тайёрланган, бироқ тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги операцияларининг назарий ва амалий жиҳатлари кенг тадқиқ этилмаган ва яхлит, комплекс тарзда тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТМ-3 “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>6</sup> Абдуллаева Ш.З. Пул ва банклар. –Т.: 2010. 425 б.; Қоралиев Т.М. Саттаров О.Б. ва бошқалар. Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2013. 192 б.; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010 йил, 210 б.; Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дис. авт. ЎзР БФА. –Т., 2008. -20 б., Бутиқов И.Л. Рынок ценных бумаг. –Т.: Консультинформ. 2001. -850 с.; Котов В.А., Тешаев Ш.Ж., Хамидулин М.Б. Рынок капитала Узбекистана: вчера, сегодня, завтра. –Т.: Молия, 2002. -268 с.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книги II. Учебник. –Т.: Iqtisod-moliya, 2005. -829 с.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қогозлар бозори савдо тизимлари ривожлантириш йўналтириш. и.ф.д. илм. дар. олиш учун дис. авт. –Т.: ТМИ, 2019. 32 б.; Хўжамуродов А. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаш-тириш. и.ф. бўй. фал. док. (PhD) дисс. авт. –Т.: ТМИ, 2019. 26 б., Акрамов Х. “Ўзбекистон Республикаси қимматли қогозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири”. и.ф.н. илм. дар. олиш учун дис. авт. –Т. 2010 й. 130 б., Носиров Э.И. “Қимматли қогозлар бозорида тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари”. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дис. авт. Ўз.Р БМА. –Т. 2003й. 31 б. Юлдошев Ф.М. “Тижорат банкларининг қимматли қогозлар билан операцияларини фаоллаштириш масалалари”. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дис. авт. –Т. 2005 й. 147 б, Каримкулов Ж.И. “Ўзбекистон иқтисодийида қимматли қогозлар бозори ролини ошириш йўллари”. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дис. авт. –Т. 2012 й. 120 б.

тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолияти хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий тадқиқ қилиш ва ҳуқуқий асосларига баҳо бериш;

банкларнинг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини илгор хориж тажрибаси асосида маҳаллий амалиётда қўллаш юзасидан тавсияларни шакллантириш;

қимматли қозғалар бозорида тижорат банкларининг инвестицион ва эмиссион операцияларини амалий таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни шакллантириш;

тижорат банклари инвестицион портфели ва унинг даромадига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик ва эмпирик таҳлилини олиб бориш ва бу бўйича тавсияларни шакллантириш;

тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги операциялари эмпирик таҳлили асосида келгусидаги ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш;

банкларнинг қимматли қозғалар бозоридаги операциялари билан боғлиқ муаммолари ва уларнинг ечимларини аниқлаш;

тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик усуллар, эксперт баҳолаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, эконометрик ва эмпирик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида соф фойда ҳажмидан дивидендга ажратмаларни кўпайтириш орқали банк акциялари бозор баҳосини ўсиши ҳисобига қўшилган капитал миқдорини ошириш имконияти асосланган;

юқори ликвидли қимматли қозғаларга инвестициялар ҳажмини ошириш асосида тижорат банклари активларининг диверсификация даражаси ва барқарор даромад манбаини ошириш таклиф этилган;

тижорат банклари брутто активлари таркибида инвестицияларга қўйилмалар улушининг ўртача ўсиш даражасини банк ялпи активлари йиллик ўртача ўсишига муносиблигини таъминлаш таклиф этилган;

улушли қимматли қозғаларга қилинган инвестициялар ҳажмини кенгайтириш орқали банкларнинг қимматли қозғалардан дивиденд шаклида олинadиган даромадларини ошириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолияти бўйича муаллифлик ёндашуви шакллантирилган;

тижорат банкларининг субординар қимматли қозғалари эмиссиясини



кўпайтириш ҳисобига капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган;

тижорат банкларининг андеррайтинг операцияларини ривожлантириш орқали эмитентларнинг қимматли қозғалар баҳосини прогнозлаш ва молиявий барқарорлигини баҳолаш амалиёти такомиллаштирилган;

эконометрик таҳлиллар натижасида, иктисодиётда инфляция даражасини 1,0 фоизга ошганлиги банклар инвестицион қўйилмаларини 0,3 фоизга ошишига таъсири аниқланган;

пул бозоридаги реал фоиз ставкасининг 1 фоизга ошиши дастлабки бир ой мобайнида банкларнинг қимматли қозғалар билан актив операцияларидан оладиган даромадларининг реал қийматига салбий таъсир қилган бўлса, кейинги уч ой давомида даромаднинг реал қийматини 2 фоизгача ошириши асосланган;

банкларнинг фонд биржаси савдо айланмасидаги улуши ўзгаришининг ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аниқ меъёрий ҳужжатлар ва иктисодий нормативлар ҳамда тижорат банкларининг баланс ҳисоботлари, йил яқунлари бўйича расмий аудит хулосалари маълумотларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, Марказий банк, “Тошкент” Республика фонд биржаси ва давлат статистика қўмитасининг маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришга бағишланган истиқболда амалга ошириладиган махсус илмий-тадқиқот ишларида ҳамда олий ўқув юртларида “Пул ва банклар”, “Банк иши”, “Монетар сиёсат”, “Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар мажмуини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида соф фойда ҳажмидан дивидендга ажратмаларни кўпайтириш орқали банк акциялари бозор баҳосининг ўсиши ҳисобига кўшилган капитал миқдорини ошириш таклифи АТ “Алоқабанк” фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2020 йил бизнес режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 1 июлдаги 25-09/2318-сон маълумотномаси). Натижада, банкнинг ўз маблағлари таркибида

кўшимча капитал манбасининг суммаси 2020 йил 30 июнда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга ошиши таъминланган;

юқори ликвидли қимматли қозғаларга инвестициялар ҳажмини ошириш асосида тижорат банклари активларининг диверсификация даражаси ва барқарор даромад манбаини ошириш таклифи АТ “Алоқабанк” фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2020 йил бизнес режасида ўз аксини топган (АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 1 июлдаги 25-09/2318-сон маълумотномаси). Натижада, бу таклиф, 2019 йил биринчи ярим йилликда жами инвестиция портфели таркибида юқори ликвидли қимматли қозғаларнинг улуши 62,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил биринчи ярим йилликда ушбу кўрсаткични 81,3 фоизга, яъни 167,9 млрд. сўмга етказиш имконини берган;

тижорат банклари брутто активлари таркибида инвестицияларга кўйилмалар улушининг ўртача ўсиш даражасини банк ялпи активлари йиллик ўртача ўсишига мутаносиблигини таъминлаш таклифи АТ “Алоқабанк”нинг стратегик ривожлантириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 1 июлдаги 25-09/2318-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида АТ “Алоқабанк”нинг инвестициялари (давлат ва хусусий корхоналарнинг ҳамда бошқа қимматли қозғалари) ҳажмининг 2020 йил 30 июнь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,5 млрд. сўмга ошишига эришилган;

улушли қимматли қозғаларга қилинган инвестициялар ҳажмини кенгайтириш орқали банкларнинг қимматли қозғалардан дивиденд шаклида олинadиган даромадларини ошириш таклифи АТ “Алоқабанк” фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2020 йил бизнес режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 1 июлдаги 25-09/2318-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг акциялардан олинган дивидендлар суммаси 2020 йил 1 январ ҳолатига 1,5 млрд. сўмни ташкил этган ҳамда активлари таркибида узоқ муддатли улушли қимматли қозғалар (акциялар)нинг улуши 2020 йил бошига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошириш таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг миллий иқтисодиёт ва банк тизими ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти хусусидаги илмий-назарий қарашлар, уларнинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда хориж тажрибаси ўрганилган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия бозорлари мураккаб таркибий тузилмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибига пул бозори, кредит бозори, валюта бозори, қимматли қоғозлар бозори ва бошқа молиявий бозорлар қиради. Тижорат банклари нафақат қимматли қоғозлар бозори балки, молия бозорининг барча таркибий тузилмаларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари бир вақтнинг ўзида эмитент сифатида эмиссия операцияларини, инвестор сифатида эса инвестиция операцияларини амалга оширади, бундан ташқари улар эмитент ва инвесторларнинг талабларига асосан қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситачи сифатида сотиш, сотиб олиш ва бошқа воситачилик операцияларини ҳам амалга оширади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини, қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқ этган ва уларга нисбатан ўзларининг ёндашувларини шакллантирган. Л.Дж.Гитман ва М.Д.Джонк: “Қимматли қоғозлар бозори – бу нақд пул етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида битимлар тузиш механизми, фонд биржалари – бу муайян қимматли қоғозларни сотиб олувчилар ва сотувчиларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этадиган марказлашган муассасадир”<sup>7</sup> деб таъриф беришган. Бошқа бир манбада “Иқтисодий субъектларнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлари ва алоқаларининг йигиндиси қимматли қоғозлар бозорини шакллантиради”<sup>8</sup>. Мазкур таърифда ҳуқуқий нуқтаи назаридан инвестор ва эмитентлар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ва алоқаларни тартибга солишнинг меъёрий жиҳатлари эътибордан четда қолган.

Э.Носировнинг тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятига нисбатан қарашлари банкларнинг ушбу бозордаги эмиссион,

<sup>7</sup> Л. Дж. Гитман, М. Д. Джонк. Основы инвестирования. – М.: Издательство “Дело”, 1997. - С.41-44.

<sup>8</sup> Рынок ценных бумаг: учебное пособие/ В.Ю. Цибульникова. – Томск: ФДО, ТУСУР, 2016. – 167 с.

инвестицион ва воситачилик фаолиятини бир қадар аниқ ва содда қилиб тушунтиришга хизмат қилган. Шунингдек, Х.Акрамов ўзининг тадқиқот ишида “Қимматли қогозлар бозори бу – иқтисодийнинг турли субъектлари ўртасида бўш маблағларни қайта тақсимлаш мақсадида қимматли қогозларни ишлаб чиқариш, муомалада бўлиш ва сўндирилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир”<sup>9</sup>, деб тижорат банкларининг ушбу бозордаги фаолиятига эмас, балки умумий қимматли қогозларга нисбатан таъриф беради.

М.Абдуллаев эса ҳам тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятига эмас, балки инвестицион фаолиятига ўзининг қуйидагича фикрини билдирган: “Тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш деб, узоқ муддатли истиқболда самарали фаолиятни таъминлашга хизмат қиладиган операцияларга айтилади”. Муаллифнинг ушбу таърифи тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятини тўлиқ ифода этмайди, чунки бу таъриф ҳам асосан уларнинг инвестицион фаолиятига қаратилган бўлиб, тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги эмиссион ва воситачилик фаолияти хусусида тўхталмаган.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар назарий ва илмий жиҳатдан тижорат банклари қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятига тўғридан-тўғри таърифларни шакллантирмаганлигини эътиборга олиб: “Тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолияти – банклар томонидан қимматли қогозларнинг ҳар қандай шакли билан боғлиқ эмиссион, инвестицион ва воситачилик операцияларини қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли шартномалар асосида амалга ошириладиган фаолиятдир” тарзидаги таърифини шакллантирдик.

Тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги операцияларининг ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг қимматли қогозларга бағишланган 96-моддасида облигация, вексель, чек, депозит ва жамгарма сертификатлари, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қогозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар кириши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган<sup>10</sup>.

Депозит сертификатлар ва векселларни чиқариш ҳамда уларнинг муомаласини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қогозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига биноан ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига кўра тижорат банклари қимматли қогозлар бозорида “Қимматли қогозларни чиқариш (эмиссия), харид қилиш (инвестиция), сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз

<sup>9</sup> Акрамов Х. “Ўзбекистон Республикаси қимматли қогозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири”. и.ф.н. илмий дараж. олиш учун тайёрланган диссертацияси-Т. 2010 й. 130 б (16-б.)

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 96-модда. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

<sup>11</sup> <https://lex.uz/docs/2662539>

билан тузилган шартномага биноан қимматли қогозларни бошқариш (воситачилик) каби қатор операцияларни бажариши белгилаб қўйилган.<sup>12</sup>

Тижорат банклари эмитент сифатида ўзларининг маблағлари (устав капитали)ни ва молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида акцияларни, векселлар, депозит сертификат ёки облигацияларни муомалага чиқаради. Тижорат банклари қимматли қогозларни эмиссия қилиш баробарида дивидендлар ва фоизларни тўлаш каби қатор операцияларни бажариш мажбуриятини олади. Инвестор сифатида эса пассив операциялар натижасида шакллантирилган молиявий маблағларининг маълум қисмини узок муддатли давр мобайнида даромад олиш мақсадида молиявий инструментлар сотиб олишга йўналтиради.

Халқаро миқёсда тижорат банкларининг қимматли қогозлар билан боғлиқ операциялари хусусида сўз юритганда активлар ҳажми нуқтаи назардан дунёнинг ўнта йирик банкининг саккизтаси Хитой ва АҚШ ҳамда иккитаси Япония ва Франция мамлакатлари ҳиссасига тўғри келишини таъкидлашимиз лозим. Активлари, даромадлари ва соф фойдаси бўйича дунёнинг биринчи банки ҳисобланган Industrial and Commercial Bank Of China Ltdнинг баланси, шунингдек, инвестицион ва эмиссион операциялари таркиби таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, банк томонидан инвестициялар ҳажми жами активлар таркибида 2017 йилда 21,9 фоизни ташкил этган ҳолда 2019 йилда ушбу кўрсаткич 22,7 фоизга етган ёки таҳлили қилинган даврда 0,8 пунктга ортган.<sup>13</sup>

Банкнинг баланс моддалари бўйича берилган маълумотларига таяниб қимматли қогозлар бозоридаги инвестицион ва эмиссион операциялари бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

қимматли қогозларга қилинган инвестицияларнинг даромадлилик даражаси паст бўлсада банк мажбуриятларни зудлик билан бажариш эҳтиёжи бўлганда уларни қимматли қогозлар бозорида сотиш имкониятига эга бўлади, чунки улар юқори ликвидли қимматли қогозларларга жойлаштирилган;

эмиссия ҳажми пастлигининг асосий сабаби пассив операцияларнинг ушбу манбаси жуда қиммат бўлиб (3,56%) муддатли депозитларга нисбатан (1,59%) деярли икки барабар юқоридир, бироқ узок муддатли ва жалб қилиш имкониятлари юқори бўлганлиги боис банк ушбу инструмент ҳисобидан ҳам маълум даражада молиявий ресурсларини шакллантиришга эътибор қаратган ва банкнинг мажбуриятларини шу йўл билан диверсификациялаган.

Тижорат банкларининг ўз маблағларини шакллантириш, яъни эмиссион операциялари натижасида шакллантирилган капитали таркиби кўриладиган бўлсак, қимматли қогоз (акция)ларнинг номинал баҳоси ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигининг гувоҳи

<sup>12</sup> <https://lex.uz/docs/4581969>

<sup>13</sup> Industrial and Commercial Bank Of China Ltdнинг йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди <http://www.icbc-ltd.com/ICBCLtd/Investor%20Relations/Financial%20Information/Financial%20Reports>

бўламиз. Қуйидаги жадвалда АТ “Алоқабанк” ва Германия Дойче банкининг ўз маблағлари таркиби келтирилган. (1-жадвал)

**1-жадвал**

**АТ “Алоқабанк” ва Германия Дойче банки ўз маблағлари таркиби<sup>14</sup>**

*2019 йил 1 январь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда*

Капитал манбалари	АТ “Алоқабанк”	Германия Дойче банки
Устав капитали	76,0	7,7
Қўшимча капитал	0,3	58,6
Захира капитали	10,0	-
Таксимланмаган фойда	13,7	24,3
Озчиликнинг (минаритар) улуши	-	2,3
Қайта баҳолаш захираси	-	7,1
<b>Жами капитал</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, банклар эмиссия қимматли қогозларининг номинал баҳоси ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқнинг қанчалик даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. АТ “Алоқабанк”нинг капитали, ўз маблағлари асосан устав капитали (76,0 фоизи) эмиссия қилинган акцияларнинг номинал баҳоси ҳисобига ташкил топмоқда.

Бундан фарқли ўлароқ Дойче банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал баҳоси ҳисобига ташкил топган улуши бор йўғи 7,7 фоизни ташкил этмоқда, аксинча ўз маблағлари таркибидаги қўшимча капитал улуши эмиссия қилинган акциялар бозор баҳосининг юқорилиги сабабли 58,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, банкнинг таксимланмаган фойдаси банк ўз маблағлари таркибидаги улуши 24,3 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич АТ “Алоқабанк”да 13,7 фоиздан иборат бўлган.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистон ва Германия тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятига баҳо беришимиз ҳамда ушбу бозорнинг банклар фаолиятида назарий жиҳатдан қандай аҳамият касб этишини қуйида келтирамиз.

*Биринчидан*, банкларнинг ўз маблағлари таркибидаги манбалар улушига қараб қайси мамлакатда тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолияти самарали ташкил этилганлигини аниқлаш мумкин. Бу ҳолатда албатта Германия банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолияти жуда ривожланган бўлиб, уларнинг капиталини монандлиги асосан қўшимча капитал ҳисобига таъминламоқда.

*Иккинчидан*, тижорат банклари акциядорларга дивиденд тўлашда ҳам Германия Дойче банкида қатор афзаллик ва қулайликлар мавжуддир. Чунки, дивидендлар банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг номинал баҳоси бўйича тўланади. Демак, ушбу банкда капиталнинг етарлилиги қўшимча капитал ҳисобига таъминланмоқда, шу билан бирга дивидендга тўланадиган фойданинг асосий қисми банкнинг ихтиёрида қолади.

<sup>14</sup> АТ “Алоқабанк” ва Германия Дойче банкларининг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Учинчидан, тижорат банкларининг молиявий ҳамкорлари, инвесторлари ва акциядорлари қарорларни қабул қилишда банкнинг ўз маблағлари таркибида кўшимча капитал улушининг юқорилиги ижобий таъсир килиши табиийдир, чунки бу маълумотлар банк акцияларининг молия бозорида ўта жозибали ва банкнинг молиявий жихатдан барқарор эканлигидан далолат бермоқда.

Туртичидан, банкнинг капиталини ошириш билан боғлиқ бўлган шароитда эмиссия қилинган акцияларнинг номинал баҳосининг бир неча бор юқорилиги уларга, масалан капитални 10,0 млн еврога ошириш учун номинал баҳода 1,0 млн евролик акцияни эмиссия қилиниши етарли бўлади.

Тадқиқот ишининг “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари ва уларнинг эконометрик таҳлили” номли иккинчи бобида банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион, эмиссион ва воситачилик операцияларининг таҳлили ҳамда банклар инвестицион портфели ва унинг даромади ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлил натижалари баён этилган.

Ўзбекистон банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки жуда заиф ҳисобланади, буни банкларнинг активлари таркибида инвестициялар улуши 1,5 фоизни ташкил этишидан ҳам кўришимиз мумкин. Бироқ, тижорат банклари мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ичида энг фаоллари ҳисобланиб, буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида  
тижорат банкларининг тутган ўрни<sup>15</sup>

Кўрсаткич-лар	01.01.2016й.		01.01.2017й.		01.01.2018й.		01.01.2019й.		01.01.2020й.	
	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да	млрд. сумда	% да
Жами биржа савдолари ҳажми	161	100	299,8	100	298,6	100	687,3	100	438,8	100
Банклар	141,4	87,8	151,7	50,6	257,6	86,3	591	86	319,5	72,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз фонд биржаларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган савдо айланмаларининг 70 фоиздан юқори улуши тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон банк тизимининг инвестиция операцияларини айрим асосий кўрсаткичларга (мамлакат ЯИМга, банк тизими активларига, кредитларига) нисбати берилган (3-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларининг ҳажми мамлакат ЯИМга нисбати таҳлил этилаётган даврда 2,0 фоизга ҳам етмаяпти.

<sup>15</sup> “Қимматли Қоғозлар Марказий Депозитарийси” давлат корхонаси вебсаҳифаси (Deponet.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

**Ўзбекистон тижорат банклари томонидан қилинган  
инвестицияларнинг айрим асосий кўрсаткичларга нисбати<sup>16</sup>**

(фоиз ҳисобида)

Инвестицияларнинг нисбати	01.01.2016й.	01.01.2017й.	01.01.2018й.	01.01.2019й.	01.01.2020й.
ЯИМга нисбати	1,37	1,61	1,36	0,93	0,63
Банк тизимининг жами активларига нисбати	3,68	3,98	2,46	1,77	1,17
Банк тизимининг жами кредитларига нисбати	5,62	5,73	3,71	2,27	1,51

Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, айнан мамлакатимиз тижорат банклари қимматли қогозлар бозоридаги операцияларининг ҳажми таҳлил этилаётган даврда ўсиш эмас, балки пасайиш ҳолатига эга бўлиб турган бир пайтда банк тизими асосий кўрсаткичлари, активлари, кредитлари, капитали ва депозит ҳажми абсолют суммада сезиларли даражада ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг қимматли қогозлар бозоридаги фаолиятининг заифлигининг асосий сабабларидан бири мамлакатимизда фонд бозорининг фаолияти етарли даражада ривожланмаганлигидир. Хусусан, “Тошкент” Республика фонд биржасида акцияларнинг жами қиймати жорий йил бошида 25 триллион сўмни ташкил этиб, бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозори профессионал иштирокчилари сони юзтагаям бормайди. Бугунги кунда 605 та акциядорлик жамияти акцияларининг 85 фоизи давлатга тегишли. Шундан 105 та жамиятнинг атиги 5 фоиз акциялари фонд бозорида иштирок этмоқда<sup>17</sup>.



**1-расм. АТ “Алоқабанк” инвестицион портфели ва жами активлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси<sup>18</sup> (фоизда)**

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва Марказий банкининг статистик маълумотлари (2019й.) асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>17</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/2913>


<sup>18</sup> АТ “Алоқабанк”нинг вебсаҳифасига жойлаштирилган молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилди



Биз юқорида АТ “Алоқабанк” инвестицион портфели ҳажмининг ўсиши билан банк активлари ўсишини таққослашни мақсад қилдик. Бу орқали банкнинг инвестицион портфели ўсиш даражасига хулоса берамиз. 1-расм маълумотларида олдинги чоракка нисбатан ўзгариш олинган. Шунингдек, статистик маълумотларнинг кўламини кичрайтириш мақсадида улар натурал логарифмланган. Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, АТ “Алоқабанк” активлари доимий ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Аммо банкнинг инвестицион портфели ҳажмининг ўзгариши йиллар давомида бетартиб ўзгарган. Ушбу тижорат банкининг қимматли қозғалар билан инвестицион ҳамда олди-сотди операцияларига йўналтирган ресурслари активлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда амалга оширилмаган. Буни улар ўртасидаги корреляцион коэффициент орқали ҳам кўришимиз мумкин ва бу кўрсаткич -0,11 га тенг бўлмоқда. Яъни ушбу икки кўрсаткич ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлмаган.

Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестицион операциялари амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, банклар жами активлари таркибида инвестицион операциялар улушининг сезиларсиз даражада бўлиши билан бирга, ушбу операцияларнинг йиллик ўсиш суръатлари ҳам банкнинг жами активлари таркибида энг бекарор ва паст даражани ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, айрим банкларда жуда юқори даражада ўсиб кетган даврлар ҳам бўлган. Биз диссертация тадқиқоти доирасида айрим тижорат банкларининг активлари таркибини таҳлили асосида тижорат банклари инвестицияларининг йиллик ўсиш ҳажми уларнинг активлари йиллик ўртача ўсиш кўрсаткичидан кам бўлмаган даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир, деган хулосага келдик.

Мамлакатимиз тижорат банклари жами ресурслари таркибида муомалага чиқарилган қимматли қозғалари ҳисобидан шакллантирилган молиявий ресурслар, таҳлил этилаётган давр мобайнида жуда заиф бўлиб, фақатгина 2020 йил 1 январь ҳолатига 1,3 фоизни ташкил этган, унга қадар бўлган йиллар давомида ушбу кўрсаткич бундан ҳам паст даражада бўлган (2-расм).



**2-расм. Тижорат банкларининг нодепозит манбалар таркибида қимматли қозғаларнинг улуши ва динамикаси, (фоизда)<sup>19</sup>**


<sup>19</sup> Тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида тузилди

Шу билан бирга, расм маълумотлари асосида хулоса қилишимиз мумкинки, тижорат банклари кейинги йилларда субординар қарз мажбуриятларини ҳам эмиссия қилган бўлиб, унинг улуши 2020 йил 1 январь ҳолатига 1,8 фоиздан иборат бўлган. Албатта, ушбу кўрсаткични хорижий банклар амалиётидаги қимматли қозғалар билан солиштириб кўрадиган бўлсак, ушбу ҳолатни ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Масалан, ушбу кўрсаткич 2019 йилда Хитой банк тизимида 11,6 фоиз, Японияда 13,1 фоиз, Германияда 31,9 фоиз, АҚШда 16 фоиз<sup>20</sup>, Россия банкларида эса 11,4 фоизни ташкил қилган<sup>21</sup>.

Тадқиқот ишимизда банк инвестицион портфели ҳажмига таъсир этувчи омиллар юзасидан VaR<sup>22</sup> модели ёрдамида эконометрик таҳлиллар олиб борилди ва 2016M1:2020M6 давр оралигидаги банк инвестицион портфели реал ҳажми ( $IP_t$ ) ўзгаришига пул бозоридаги реал фоиз ставка ( $RMMR_t$ ), инфляция даражаси ( $CPI_t$ ) ҳамда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдиғи реал ўзгаришининг ( $CORS_t$ ) таъсирини ифодаловчи моделни мувофиқлаштирдик.

$$\Delta IP_t = \alpha_1 + p_1 e_1 + \sum_{i=1}^2 \beta_i \Delta IP_{t-i} + \sum_{i=1}^2 \delta_i CPI_{t-i} + \sum_{i=1}^2 \gamma_i \Delta CORS_{t-i} + \sum_{i=1}^2 \omega_i RMMR_{t-i}$$

Қуйида биз ушбу омилларнинг банк инвестицион портфели ҳажмига таъсирини кўрсатувчи импульс реакциясини таҳлил қиламиз.



**3-расм. Турли омилларга нисбатан банк инвестицион портфели ҳажмининг импульс реакцияси<sup>23</sup>**

<sup>20</sup> International Financial Statistics IMF. January 2020, pp. 272, 546, 436, 106, 834.


<sup>21</sup> “www.cbr.ru” интернет сайти маълумотлари асосида ҳисобланди

<sup>22</sup> VaR (Value at risk) – Молиявий рискларни баҳолаш модели

<sup>23</sup> Муаллиф томонидан тузилди

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар реал ўзгаришининг банк инвестицион портфели ҳажмига импульс реакциясини кўрадиган бўлсак, бунда мамлакатдаги инфляция даражасининг ошиши дастлабки икки ойда банк инвестицион портфели ҳажмининг реал қийматини пасайтираётган бўлса, кейинги икки ой давомида ижобий таъсир қилмоқда. Яъни инфляциянинг 1 фоизга ошиши банк инвестицион портфелининг реал ҳажмини тахминан 0,3 фоизга оширмоқда. Кейинчалик бу таъсир йўқолиб бормоқда. Пул бозоридаги фоиз ставкасининг ошиши эса дастлабки уч ой давомида инвестицион портфелга таъсири сезилмаган. Кейинчалик жуда сустр аммо ижобий таъсир қилган. Бу эса пул бозоридаги фоиз ставка ошган бўлсада, банк томонидан қимматли қозғаларга инвестиция киритилмаганлигини англатади. Юқоридаги расмдан кўринадики, тижорат банкларининг Марказий банкдаги ҳисобварағида пул маблағларининг ошиши уларни қимматли қозғалар сотиб олишга ундамаган. Буни биз VAR импульс реакциясидан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон тижорат банклари инвестицион портфели таркибига назар ташласак, улар асосан корхоналарнинг акцияларидан, корхоналар устав капиталига улушларидан, давлат қимматли қозғаларидан ҳамда Марказий банк облигацияларидан иборатдир. Биз таҳлилишимизни АТ Алоқабанк инвестицион портфели мисолида олиб бордик. Барча кўрсаткичлар ойлик кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг 2016 йил январ ойидаги нархларга нисбатан реал кўрсаткичларга ўтказилди.



**4-расм. АТ Алоқабанк инвестицион портфелидан кўрилган даромаднинг макроиктисодий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги<sup>24</sup>**

Юқоридаги расм маълумотларида АТ Алоқабанк инвестицион портфели даромадига таъсир этувчи омиллар сифатида инфляция даражаси ҳамда пул бозоридаги фоиз ставка олинган бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини кўришимиз мумкин. Бунда банкнинг инвестицион операцияларидан олинган даромадлари ўзгаришига пул бозоридаги реал

<sup>24</sup> АТ Алоқабанк баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

фоиз ставка таъсири кўпроқ бўлмоқда. Бу таъсир 2019М8:2020М6 даврда кўпроқ сезилмоқда.

АТ Алоқабанк инвестицион портфели даромадлигига таъсир этувчи омиллар юзасидан VECM модели<sup>25</sup> ёрдамида эконометрик таҳлиллар олиб борилди, шунингдек, 2019М1:2020М6 давр оралигидаги АТ Алоқабанк инвестицион портфели реал даромадлиги ( $RPROFT_t$ ) ўзгаришига пул бозоридаги реал фоиз ставка ( $RMMR_t$ ) ҳамда инфляция даражасининг ( $CPI_t$ ) таъсирини ифодаловчи моделни мувофиқлаштирдик ва VECM модел таҳлил натижалари диссертация ишимизнинг иловасида келтирилган.

$$\Delta RPROFT_t = \alpha_1 + p_1 e_1 + \sum_{i=1}^2 \beta_i \Delta RPROFT_{t-i} + \sum_{i=1}^2 \delta_i CPI_{t-i} + \sum_{i=1}^2 \omega_i RMMR_{t-i}$$

Ушбу омилларнинг АТ Алоқабанк инвестицион портфели даромадлигига таъсирини кўрсатувчи импульс реакциясини таҳлилни амалга оширдик, бунда ойлик инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши банкнинг қимматли қозғалар билан актив операцияларидан оладиган даромадини келгуси 2 ой давомида 3 фоизгача камайишига олиб келмоқда. Тижорат банкининг қимматли қозғалар билан актив операцияларидан оладиган даромадига пул бозоридаги реал фоиз ставканинг 1 фоизга ошиши, дастлабки бир ой мобайнида даромадларнинг реал қийматига салбий таъсир килган бўлса, кейинги уч ой давомида даромадининг реал қийматини 2 фоизгача оширмоқда.

“Кварц” АЖ томонидан акцияларнинг оммавий таклифи “Тошкент” РФБда 2017 йил 5 декабрдан 2018 йилнинг 3 апрелигача амалга оширилди ва бу жараёнда ТИФ Миллий банки андеррайтер сифатида иштирок этган. Савдолар натижасига кўра эмиссиянинг жойлашмаган 45,89 фоиз қисми ёки 2 099 685 донаси пакет нархи қарийб 6,3 млрд. сўмлик акциялар эмитент томонидан андеррайтер сифатида қатнашган ТИФ Миллий банкка ўртача жойлашув нархида, шунингдек, дисконт нархда таклиф этилган. Аммо ТИФ Миллий банки ташкилий тузилиши бўйича ўша даврда акциядорлик тижорат банки шаклида ташкил этилмаганлиги сабабли фонд биржасида қимматли қозғалар билан эмиссион, андеррайтер ва бошқа турдаги операцияларни амалга оширишда етарлича тажриба бўлмаганлиги, шунингдек акцияларнинг келажакдаги бозор нархини тўғри прогноз қила олмаслиги ҳамда бошқа сабабларга кўра банк акциялар сотиб олишни рад этган. Хулоса қилиб айтганда, ТИФ Миллий банкининг ушбу сотиб олинмаган 2 099 685 дона 6,3 млрд сўмлик Кварц АЖ нинг оддий акцияларини сотиб олишни рад этиши оқибатида йўқотилган – олинмаган фойда миқдори ҳисоб-китобларга мувофиқ 2020 йил 24 июн ҳолатига 13,2 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда сарфланган маблағ 2,1 мартага кўпайган бўлар эди. Бундан кўринадики бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етарлича аҳамият

<sup>25</sup> VECM (Vector Error Correction Model) – танланган кўрсаткичларнинг бир бирига таъсирини ифодаловчи регрессион ҳамда авторегрессион модел



қаратилмаётган андеррайтинг операциялари юқори даромадли ва кам рискли операциялар бўлиб ҳисобланади.

